201
Alisher Navoiy
O'zbekiston MK

2020 йил январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 23 (23), 2020 йил 26 февраль, чоршанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни иккинчи Ўзбекистон — Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.**

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашга, икки томонлама ҳамкорликни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Асқар Мамин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда, аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика ва аграр тармоқларда, таълим, маданият соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлашдаги юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатларимиз етакчи компаниялари иштирокида кооперация ва инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастурлар асосида гуманитар ва туризм соҳаларида фаол алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув сўнгида кенг кўламли Ўзбекистон — Қозоғистон шериклиги доирасида янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш бўйича "йўл харитаси"ни тайёрлашга келишиб олинди.

ЎзА

## ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИ ВА КЎЛАМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунларидан тинчликни асраш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашни ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилаган эди. Ўтган йилларда бу борада улкан ислоҳотлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги фармонига мувофиқ, 2019–2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди. Барча ҳудудларда шифохоналар барпо этилиб, замонавий жиҳозланмоқда. Давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

Одамлар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинч ва тез ёрдам йўналишида марказлашган яхлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан қарийб 2 мингтага етказилди ва аҳолига янада яқинлаштирилди. Ихтисослашган автомашиналар парки янгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида соҳадаги ислоҳотларни давом эттириб, тиббий хизмат сифатини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, адолат ва рақобатни таъминлаш бўйича ўз мулоҳазаларини баён қилди.

Йиғилишда ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Аввало, ихтисослашган тиббий ёрдам сифати ва кўламини ошириш лозимлиги таъкидланди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар шифокор тўғри келмоқда. Маҳаллий тиббиёт ходимлари қўникмасини оширишга эътибор қаратилмаяпти. Ихтисослашган марказ ва ҳудудий муассаса ўртасида вертикал тизим шакланмаган.

Даволаниш учун ордер бериш тизимида ижтимоий адолат таъминланмаётгани, бу жараёнда фақат давлат муассасалари иштирок этиши рақобатни чеклаётгани қайд этилди. Шу боис ордер бериш тизимини такомиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими танқидий таҳлил қилинди. 20–30 фоиз маблағ самарасиз сарфланмоқда. Юртимизда бирламчи тиббий-санитария учун ажратилаётган маблағ улуши 35-40 фоизни ташкил этади. Хорижда эса бу кўрсаткич 60 фоиздан ошади.

Давлат ва хусусий тиббиёт учун тенг шарт-шароит, рақобат муҳити яратилмаган. Молиялаштиришда электрон тизимнинг йўқлиги маблағлар унумдорлигини таҳлил қилиш имконини бермаяпти. Соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш, мажбурий тиббий суғуртага оид қонунлар қабул қилиб, уни босқичма-босқич жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Масалан, фақат 12 та олий таълим муассасаси узлуксиз касбий малака ошириш ҳуқуқига эга. Ҳозирда 50 фоиз шифокор малака оширишга қамраб олинмаган. Шу боис, мазкур тизимни қайта кўриб чиқиб, бу борадаги қамровни кенгайтириш, малака ошириш курсларини Қорақалпоғистон ва вилоятлар марказларида ташкил этиб, мутахассисларга қулайлик яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Эскича услубда қолиб кетган тиббиёт коллежлари ўрнида Ибн Сино мактаблари ташкил этиб, дарс ва амалиётни замон талаблари асосида ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари бюрократик тузилма бўлиб қолгани, ҳудудий даражада касалликларни таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари айни пайтда марказий шифохона бош шифокори бўлгани сабабли вақти ва маблағнинг асосий қисмини касалликларни даволашга сарфламоқда.

Давлатимиз раҳбари касалликлар профилактикаси масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бошқарув идоралари ишини айнан шунга йўналтириш лозимлигини таъкидлади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, тўғри овқатланиш ва пиёда юришнинг саломатликка фойдасини тарғиб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказди.

ЎзА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда — МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, **МҲХС асосида** бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида "МҲХС бўйича молиявий ҳисобот" фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд "Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)", "Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)", "Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)" ва "Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)" сертификатларидан (кейинги ўринларда — халқаро бухгалтер сертификати) бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида **МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари** билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йилдан бошлаб, ушбу бандда кўрсатилмаган **давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг** МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга **ўтиш жадвали** ҳар йили тасдиқланиши ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиласин ва унга қуйидаги функциялар юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда МҲХСнинг жорий этилишини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботлар МҲХС асосида ўз вақтида эълон қилинишини мониторинг қилиш;

МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда — аккредитациядан ўтган ўқув марказлари) ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — ACCA) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;

ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МҲХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МҲХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Давоми 2-бетда

### ИСТИҚБОЛ МАНЗАРАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Валерий ЦВЕТКОВ,**
Россия Фанлар Академиясининг Бозор муаммолари институти директори,
РФА мухбир-аъзоси.

**Ўзбекистон Президентининг шу йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси Россияда катта акс-садо берди. Бу биргина Ўзбекистон ва Россиянинг вақт синовидан ўтган стратегик шериклиги билан боғлиқ эмас. Сўнгги йилларда республика ва мамлакат раҳбарининг халқаро майдондаги нуфузи кескин ошаётгани, халқаро ҳамжамият томонидан давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш, миллий иқтисодиётни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тан олинаётгани натижасидир.**

**Кенг кўламли ўзгаришлар асосида ётган давлат раҳбарининг ғояси, уларнинг мақсадга йўналганлиги, халқ турмуш даражаси ва инсон манфаатларини яхшилашга қаратилгани** нафақат олимлар ва мутахассислар, балки Россия жамоатчилигининг кенг қатламлари орасида ҳам чинакам қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон раҳбарининг коррупцияни бартараф этиш ва соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда қулай инвестицион муҳит яратилишига йўл қўймайдиган "яширин иқтисодиёт"га қарши қаратилган қатъий нияти алоҳида эътибор уйғотди. Айнан, бу каби салбий иллатни бартараф этиш, эътиборни саноатлаштиришга қаратиш, иш ўринлари яратиш ва арзон уй-жой қуриш Сингапур аҳолисини унинг етакчиси Ли Куан Ю атрофига жипслаштирган ва охир-оқибат бу мамлакатни дунёдаги энг бой давлатлардан бирига айлантирган.

Давоми 2-бетда

**Ўзбекистонда улкан мақсадлар – 2020 йилда янги истиқболли майдонлар ва конларни аниқлашни 35 фоизга, келгуси йилда эса 40 фоизга ошириш вазифаси қўйилган.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 26 февраль, 23-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси тузилмасида вазирликнинг бошқарув ходимлари чекланган сони доирасида учта штат бирлигидан иборат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифатининг ташқи назорати бўлими ташкил этилсин.

4. **Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича "Йўл харитаси"** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) бухгалтерлар ва аудиторлар республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни киритсин:

2020 йил 1 июнга қадар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом;

2021 йил 31 январга қадар МҲХСни жорий этишнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ва МҲХС бўйича мавжуд кадрлар салоҳиятини ўрганиш натижаларига кўра тайёрланган бухгалтерларни сертификатлаш миллий тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлилий маълумотнома;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор давлат органлари ходимларини (кейинги ўринларда — давлат органларининг ходимлари) аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш жадвали ҳар йили тасдиқланишини таъминласин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фарғона политехника институтининг (кейинги ўринларда — тажриба-синов олий таълим муассасалари) "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича педагог ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича тезлаштирилган тарзда ўқитиш жадвалини тасдиқласин;

2020 йил 31 декабрга қадар бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш натижалари асосида "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" бакалавриат таълим йўналишида ўқитишнинг кундузги шакли муддатини қисқартириш имконияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини тасдиқласин ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этсин;

2020 йилдан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказиш ва кейинчалик мазкур тажриба-синов лойиҳасини босқичма-босқич республикадаги соҳага оид бошқа олий таълим муассасаларида жорий этиш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 январга қадар "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича педагог кадрларнинг аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитилишини таъминласин, шунингдек, олий таълим муассасаларининг бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида таҳсил олган педагог кадрлари тўғрисидаги маълумотлар базасини расмий веб-сайтида эълон қилсин ва доимий равишда уларни янгилаб борсин.

7. Белгилансинки:

2021 йилдан бошлаб, МҲХС ва аудитнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — АХС) бўйича ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотнинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади. Аккредитациядан ўтган ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шарти билан, тегишли лицензия олмасдан МҲХС ва АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат халқаро сертификатлаш доирасида "МҲХС бўйича молиявий ҳисобот" ёки "АХС бўйича аудит" фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилади;

халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов-контракт асосида кириш ҳуқуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар солиқ ҳисоботи шаклини қайта кўриб чиқсин ва унинг МҲХС бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботга мослаштирилган шаклини ишлаб чиқсин.

9. Белгилансинки, 2020–2025 йиллар давомида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш, малака ошириш, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда ўқитиш, шунингдек, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади ва қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) олий таълим муассасаларининг буюртманомаларига асосан:

олий таълим муассасаларининг "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича педагог кадрлари имтиҳон топшириши учун биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари (ўқишни тугатгандан сўнг олти ой ичида) имтиҳонни муваффақиятли топширган тақдирда, биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

б) давлат органларининг буюртманомаларига асосан ўз ходимлари имтиҳон топшириши учун биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

молиявий ҳисоботнинг ягона стандартларини ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган мустақил халқаро ташкилот ҳисобланган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди (кейинги ўринларда — МҲХС фонди) билан битим тузсин;

2020 йилда МҲХС ва унга тушунтиришлар матнини давлат тилига таржима қилиш, бошқа тилларда МҲХСни қўллаш билан боғлиқ ҳамда МҲХС фонди йиллик бадаллар тўлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қўшимча даромадлари ҳисобидан қопласин, 2021 йилдан бошлаб эса зарур маблағлар ажратилишини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида назарда тутсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3946-сон қарорининг 5-бандига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарор ижросини ташкил қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров** — мазкур қарорнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин, белгиланган тадбирларни бажаришга масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштирсин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича чоралар кўрсин;

**Ўзбекистон Республикаси молия вазири** — МҲХС жорий қилиниши мониторингини таъминласин, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини МҲХС билан уйғунлаштириш, бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва тажрибали ҳамда юқори малакали мутахассисларни МҲХСни жорий қилиш жараёнига жалб этиш бўйича чоралар кўрсин;

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Мажидов** — таълим жараёнларига МҲХСни чуқур ўқитишни мувафқиятли ва самарали жорий этиш, педагог кадрларни МҲХС бўйича сертификатлаш ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларини аккредитациялаш юзасидан барча зарур чораларни кўрсин, шунингдек, мазкур қарор билан белгиланган вазифалар ижросини таъминласин;

**масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари** — мазкур қарор билан тасдиқланган "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширсин;

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д.Ҳаджаев** — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, матбуот анжуманлари, мавзуга оид телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 24 февраль*

# ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги тарихий алоқалар ва анъанавий дўстлик ришталарига асосланган муносабатлар тобора ривожланмоқда. Икки мамлакат Президентларининг стратегик шериклик ва иттифоқчиликни мустаҳкамлаш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатлари икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги ва юқори босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россияга қилган давлат ташрифи улкан ҳодисага айланди ва унинг доирасида иқтисодий, инвестицион, ҳарбий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда умумий қиймати 15 миллиард доллардан зиёд 50 дан ортиқ битим ва шартномалар имзоланди.

2018 йил 19 октябрь куни Президент Владимир Путиннинг **Биринчи Ўзбекистон — Россия минтақалараро форуми** ва давлатлар раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар учун Тошкентга қилган ташрифи чоғида мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича янги муҳим келишувларга эришилди. Форум доирасида умумий қиймати 25 миллиард доллардан зиёд 800 тага яқин савдо-инвестицион битимлар ва меморандумлар имзоланди.

Бугунги кунда Россия Федерацияси Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 2017 йилда мамлакатларимиз товар айланмаси — 4,73 миллиард, 2018 йилда — 5,66 миллиард, 2019 йилда — 6,63 миллиард долларга етди.

Ҳозир Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида мингдан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида 560 тадан ортиқ корхона ташкил этилган. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг динамик ривожланишига ёқилғи-энергетика мажмуаси, ахборот-коммуникация технологиялари, самолётсозлик ва темир йўл транспортини мисол тариқасида келтириш мумкин.

**Ўзбекистон раҳбари томонидан Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада илгари сурилган ташаббус ва вазифалар мамлакат иқтисодиётига сармоя киритишни ўйлаётган халқаро бизнес ва салоҳиятли инвесторларга муҳим чорлов** бўлди. Шунингдек, улар ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун қулай шароит яратади.

Бу, аввало, **ривожланиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва мавжуд ҳудудий транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ.** Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга ўз вақтида етказиб бериш, шунингдек, унинг таннархини камайтириш учун транспорт ва логистикани янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланади. Ўзбекистон учун географик жойлашув ва унинг жаҳон бозорларидан узоқлиги, денгиз коммуникацияларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти йўқлиги шароитида барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг асосий омили — барча географик йўналишларда янги ишларни шакллантириш ёки мавжуд транспорт йўлакларига хизмат кўрсатишни бир маромда сақлашдир.

Давлатларимизнинг бу борадаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиги айнан қандай бўлиши мумкин? **Аввало,** бу томонларнинг "иқтисодий масофа"ни қисқартириш, яъни юкларни ташқи бозорларга етказиб бериш жараёнида сарфланган барча вақт ва моддий харажатлар миқдорини камайтириш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатидир. Бунга инфратузилмани модернизация қилиш, ахборот манбаларига очиқ ва эркин киришни ҳисобга олган ҳолда юкларнинг транзит ҳамда божхона расмийлаштируви тартибларини соддалаштириш, норасмий тўловларни бартараф этиш ва икки мамлакат тегишли идоралари ўртасидаги ҳамкорлик омили бўлган бошқа қатор чора-тадбирлар орқали эришиш мумкин. Буларнинг барчаси Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада қўйилган улкан вазифани ҳал этишга ёрдам берган бўларди, яъни мамлакат транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннагача ошириш имконини беради. Бу вазифани амалга ошириш нафақат Ўзбекистон, балки Россия манфаатларига ҳам мос келади. **Дарҳақиқат, Ўзбекистон Президентининг транзит йўлларини ишлаб чиқиш стратегияси мамлакатнинг глобал таъминот занжири тизимига интеграциялашувига ва Япония, Хитой ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини Россия ва Европа Иттифоқи билан боғловчи савдо, транспорт ва иқтисодий кўприкка айланишига ёрдам беради.**

**Иккинчи.** Мурожаатномада республика саноатига хомашёни узлуксиз етказиб бериш вазифаси юклатилган. Уни амалга ошириш учун Ўзбекистонда улкан мақсадлар — 2020 йилда янги истиқболли майдонлар ва конларни аниқлашни 35 фоизга, келгуси йилда эса 40 фоизга ошириш вазифаси қўйилган.

Салоҳиятли инвесторларни ўз ривожланишига жалб қилиш учун камида 20 та кон бўйича тайёр лойиҳалар тўплами шакллантирилиб, салоҳиятли инвесторларга таклиф этилади. Россия улардан айримларини амалга оширишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

**Учинчи.** Президент ўз Мурожаатномасида кейинги 5-7 йилда мева-сабзавот экспорти ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш вазифасини қўйди. Шу билан бирга, у **бу кенг кўламли вазифани амалга ошириш учун чуқур ўйланган, ҳисобланган механизмларни белгилаб берди.** Ҳақиқатан ҳам, малакали ишчи кучи ва ишлаб чиқаришдаги кам харажатлар, ноёб иқлим шароити, давлат раҳбари томонидан таклиф этилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун бозор механизмларини қўллаш билан бирга (пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини ва бошқа чора-тадбирларни бекор қилиш) иқтисодиётнинг ушбу секторининг етарлича юқори рақобатбардошлигини таъминлайди. Бу Россия учун ҳам муҳим, чунки тарихан экологик тоза ва сифатли ўзбек мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларимизда доимо харидоргир бўлиб келган.

Шу муносабат билан мамлакатларимизнинг тегишли идоралари Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини Россия бозорига етказиб бериш бўйича "яшил йўлак" деб аталмиш комплексни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Бу соҳада бажарилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар яхши маълум: божхона тўловларини камайтириш; Россиянинг турли минтақаларида, айниқса, унинг шимолий ҳудудларида Ўзбекистоннинг савдо уйлари ва иқтисодий ваколатхоналари фаолиятини кенгайтириш.

**Тўртинчи. Президент Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилни "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилди.** Фан ва таълимни давлат сиёсатининг биринчи поғонасига қўйиш шуни кўрсатадики, **Ўзбекистон раҳбарияти ҳозирги воқеликни ҳам, мамлакатни барқарор ривожлантириш учун узоқ муддатли стратегик мақсадларни ҳам яқинлашиб келаётган тўртинчи технологик инқилоб шароитида чуқур англайди.**

Россия ва Ўзбекистон ўртасида таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорлик узоқ тарихга эга ва уни чуқурлаштиришнинг улкан имкониятлари мавжуд. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ва Ломоносов номидаги Москва давлат университети ўртасида ҳамкорлик шартномаси, Ўзбекистонда Москва давлат халқаро муносабатлар институти филиалини ташкил этиш тўғрисидаги битим, Фанлараро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Мурожаатномада илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳига нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш топширилди. Бу ва бошқа ташаббуслар Россия ҳамда Ўзбекистондаги таълим ва илмий ташкилотлар ўртасида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун ажойиб имкониятлар яратмоқда.

Ҳамкорликнинг қайд этилган йўналишларини амалга ошириш икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан ўзаро манфаатли даражада ривожлантиришга янгича туртки бўлади, юқори қўшимча қийматга эга қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва миллий бозорларни анъанавий ҳамда инновацион рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имконини беради.

Шубҳасиз, **Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси жиддий дастурий ҳужжат бўлиб, уни амалга ошириш, буни алоҳида таъкидлаш жоиз, нафақат мамлакат ичида муҳим аҳамият касб этади. Унинг айрим ҳолатлари Марказий Осиё, МДҲ ва ШҲТ доирасидаги интеграцион, сиёсий ва иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади.** Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистонда қўлланилаётган миллий иқтисодиёт ва давлат-сиёсий тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишдаги ёндашувлар ва воситалардан, Ўзбекистоннинг бу борада тўплаган тажрибасидан "етиб олишга интилаётган" деб аталувчи мамлакатларда ҳам, замонавий дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

**МУАЛЛИФ ҲАҚИДА СЎЗ:**

**Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. Иқтисодиёт ва халқ хўжалигини бошқариш соҳасидаги таниқли мутахассис. 250 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Россия Фанлар Академиясининг "Модернизация ва Россия иқтисодий хавфсизлиги" ҳамда "Объектив ва кечаётган хавф-хатарлар кескинлашуви шароитида Россиянинг миллий иқтисодий хавфсизлиги" дастурлари мувофиқлаштирувчиси. Федерация Кенгаши ва Россия Федерацияси хавфсизлик Кенгаши раиси ҳузуридаги илмий-эксперт кенгашлари аъзоси.**

**КЎРГАЗМА**

**Л.СУВОНОВ**

**Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида XXI Ўзбекистон Халқаро "Қурилиш – UzBuild 2020" кўргазмаси ўз ишини бошлади.**

# ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МЕЪМОРЧИЛИК ЕЧИМЛАРИ

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро саноат ярмаркасида маҳаллий ва хорижий қурилиш материаллари, технологиялар ва махсус асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчиларнинг энг сара ютуқлари ва тажрибалари намойиш этилади.

Ушбу халқаро анжуман Қурилиш, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ҚурилишМашЛизинг" республика ихтисослаштирилган лизинг компанияси АЖ, Савдо-саноат палатаси ҳамда "Ўзэкспомарказ" МКМ ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Кўргазмада экспозицияси қурилиш ва безаш материаллари, интерьер ва дизайн, деразалар, эшиклар, фасад, асбоблар ва маҳкамлаш, керамика ва пардозлаш тошлари, кўчмас мулк, уй қурилиши, архитектура ва декоратив дизайн ёруғлик, электр, ландшафт ва кўкаламзорлаштириш каби бўлимларни ўз ичига олган. Бу йилги кўргазмада 25 мамлакатнинг 400 дан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда. Эътиборлиси, ушбу нуфузли кўргазмада 175 компания биринчи маротаба иштирок этаётган бўлиб, уларнинг 134 таси халқаро, 25 таси маҳаллий корхоналардир.

— Бу йилги тадбирда Грузия, Тожикистон ва Туркманистон компаниялари илк маротаба қатнашаётир. Кўргазмада қатнашаётган туркиялик компаниялар сони 129 тани ташкил этмоқда. Европа мамлакатлари орасида — экспозицияси майдонини сезиларли даражада кенгайтирган давлат бу Германия бўлиб, кўргазмада 30 дан ортиқ олмон компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этишмоқда, — дейди "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бошқарув раиси Ботир Зарипов.

Шунингдек, кўргазмада қурилиш бозоридаги энг янги ва замонавий қурилиш маҳсулотлари ҳам намойиш этилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айниқса, туркиялик ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган сув ўтказмайдиган ва оловбардош МДФ плиталари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма экспозициясида миллий маҳсулотларга ҳам кенг ўрин ажратилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Бу йил 32 нафар маҳаллий ишлаб чиқарувчи ушбу тадбирда ўз маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тўрт кун давом этадиган XXI Ўзбекистон Халқаро "Қурилиш — UzBuild 2020" кўргазмаси доирасида семинарлар, маърузалар ва маҳорат дарслари, шунингдек, профессионал учрашувлар ва мунозаралар, янги қурилиш технологиялари ва меъморчилик ечимларининг тақдимотлари ўтказилади.

**Энг муҳими, онлайн-назорат касса машинасини сотиб олиш, жорий қилиш харажатларини солиқ ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдоригача камайтириш имконияти яратилди.**

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ташкил этилди.**

Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎзА мухбири

**Ўзбек ва қозоқ элининг тарихи, тили, маданияти ва қадриятлари ўхшаш, халқларимиз азалдан бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келади. Бу яқинлик бугунги кунда давлатлараро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда.**

Икки мамлакат ўртасидаги яқин қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг саноат салоҳияти ва имкониятлари тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш, тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш ва истиқболли йўналишларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилган ушбу форумга Қозоғистондан ва мамлакатимиз вилоятларидан ишбилармон доира вакиллари ташриф буюрган.

Ўзбекистон – Қозоғистон иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида учта шуъба йиғилиши, хусусан, "Ишлаб чиқаришда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали чегарадош ҳудудларда инвестицион ҳамкорлик истиқболлари", "Агросаноат секторини ҳамкорликда ривожлантириш" ҳамда "Инсон капиталини ривожлантириш: етакчилик асослари" мавзуларида мунозаралар бўлиб ўтди. Икки мамлакат вазирлик, идоралари масъул ходимлари, ҳудудлар, ташкилотлар ва компаниялар раҳбарлари, иқтисодчи олимлар маърузалари тингланди.

— Ушбу форум ҳар икки томон учун бирдай фойдали, — дейди Қозоғистон Республикаси савдо ва интеграция вазири ўринбосари Кайрат Торебаев. — Ўзбек — қозоқ тадбиркорлари азалдан ҳамкорлик қилиб келган ва бундан давлатларимиз ҳам манфаатдор. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар фаоллашиши натижасида 2018 йил ноябрь ойида Чимкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Анжуман доирасида кўплаб савдо-инвестициявий шартномалар, ҳудудлараро муносабатларни ривожлантириш бўйича келишувлар имзоланди. Шундан буён ўтган икки йил мобайнида ўзбекистонлик шериклар билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик, ҳудудлар даражасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва бошқа масалаларда аниқ ижобий натижаларга эришдик.

Сўнгги йилларда ҳудудлар ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик алоқаларни ривожлантириш мақсадида маҳаллий раҳбарлар бошчилигидаги ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида ўзаро ташриф алмашиниш амалиёти йўлга қўйилди. Ташрифлар доирасида бизнес форумлар ва ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмалари ўтказиб келинмоқда.

Халқаро форум доирасида чегарадош ҳудудлар бизнес вакиллари иштирокида контактлар биржаси ўтказилди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шартномалар имзоланди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича келишувларга эришилди.

— Биз 2011 йилдан буён курка гўшти етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланамиз, — дейди қозоғистонлик тадбиркор Мурат Тоғаев. — Корхонамизда ҳар йили ўн минг тонна курка гўшти етиштирилади, шунинг ярмидан кўпи қайта ишланади. Ҳозир курка гўштидан 85 турдаги маҳсулот етиштиришдан ташқари, ушбу парранда терисини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида савдога чиқармоқдамиз. Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганимизга бир йилдан ошди. Корхонамиз Россия, Беларусь каби давлатлар билан ҳам ҳамкорлик қилади, бироқ энг яқин қўшнилар билан савдо қилиш жуда қулай. Бугун яна бир қатор фирмалар билан йилига жами 1000 тонна курка гўшти етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Ушбу форум биз учун жуда манфаатли ва самарали бўлди, деб бемалол айта оламан.

Халқаро форум доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмада икки мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш моллари ва техникалари, жамоат транспорти, замонавий енгил автотранспорт воситаларидан тортиб енгил саноат маҳсулотларигача намойиш этилди. Иштирокчилар ўртасида импорт ва экспорт шартномалари тузилди.

Тадбир нафақат янги ҳамкорлар топиш ва улар билан алоқа ўрнатиш, янги бозорларни эгаллаш ҳамда инвестиция киритиш ёки жалб қилиш учун ажойиб имконият яратади, балки халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**Халқаро форум доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмада икки мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш моллари ва техникалари, жамоат транспорти, замонавий енгил автотранспорт воситаларидан тортиб енгил саноат маҳсулотларигача намойиш этилди. Иштирокчилар ўртасида импорт ва экспорт шартномалари тузилди.**

ҲУНАР – ҲУНАРДАН ЗАР УНАР!

# ҚАДИМИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИЛОСИ

Алишер АЗИМОВ

**Қўҳна Бухоронинг Нодир девонбеги мадрасасида бир ҳужра бор. Унда саҳардан то шомга қадар болғачанинг тўқ-тўқи тинмайди. Бу — кандакор уста Шавкат Ғуломовнинг устахонаси. Ҳунарманднинг хаёлот олами, бадиий тафаккури шунчалик кенгки, оддий мис буюмларнинг нақшу нигорлари, боқий шаҳар манзараларида асло такрорий чизгилар ишлатмайди. Қуёшдек чарақлаган мис чойдиш, лаган, қумғон, коса каби буюмлар эса юртимиз жилосининг бир бўлаги сифатида олис уммонлардан, катта-кичик қитъалардан ошади.**

— Маҳсулотларимизга хорижий сайёҳлар, юртдошларимиз орасида ҳам бирдек эҳтиёж катта, — дейди Шавкат Ғуломов. — Баъзида хомашё етишмовчилиги сабаб ишимиз тўхтаб қолар, мижозларимизни куттириб ёки йўқотиб қўяр эдик. Икки йил олдин банкдан 51,6 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдик. Ушбу маблағ эвазига мис хомашёси сотиб олиб, бадиий буюмларимиз салмоғини, янги иш ўринларини кўпайтирдик.

— Бухоро шаҳри эски шаҳар қисмининг "Арк" қўрғонидан бошлаб "Лаби ҳовуз" мажмуасигача бўлган майдонда 300 тадан ортиқ савдо дўконларида ҳунармандлар ўз маҳсулотларини меҳмонларга ҳавола этиб келишади,— дейди Ҳунарманд уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Хуршид Яҳёев. — Улар кандакорлик, кулолчилик, темирчилик, каштачилик, зардўзлик, миниатюра рассомчилик, ёғоч ўймакорлиги, ипак гилам тўқиш, қорақўлчилик, миллий кийимлар тайёрлаш, заргарлик буюмлари ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланиб, қадим санъатимизни ривожланишига ҳисса қўшишяпти, Шунинг ҳисобидан наинки юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Мисол учун хорижда бўлиб ўтган юздан зиёд кўргазмада 200 га яқин ҳунармандларимиз ўз санъатларини намойиш этишди, Бухоронинг ўзида эса, "Ҳунармандлар куни", "Ипак ва зираворлар" ва бошқа халқаро фестивалларни ўтказиш анъанага айланган. Сайёҳлар учун маҳорат сабоқлари эса, ҳар бир устахонанинг кундалик фаолиятидан жой олган.

Ҳунармандлар ўз меҳнат ва маҳоратлари туфайли келаётган даромадларидан рўзғорлари бут, кўплари йил ўтган сайин ўз фаолиятларни кенгайтириб боряпти.

— Икки йил аввал якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, зардўзлик ишларини йўлга қўйдим — дейди Бухоро шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли маҳалладан Нодир Расулов. — Фаолиятимни кенгайтириш мақсадида зардўзлик ускуналари сотиб олишга зарурат туғилди. Банкдан икки йил муддатга 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Ушбу маблағ эвазига 15 та замонавий зардўзлик ускуналарини устахонамизга ўрнатдик. Бу билан ишчиларимиз сони 20 нафарга етди. Қолаверса, ҳамкорлик сабаб менда янги ғоялар туғилди. Тез орада "Бухоро зардўзлик мактаби" ташкил этиш ниятидаман. Унда ёшларга касбимиз сирларини ўргатиб борамиз.

Бухоро вилоятида уюшмага аъзо бўлган ҳунармандлар қарийб 3,5 минг нафар бўлса, мазкур соҳа ҳисобидан жами 7 750 нафар аҳолининг бандлиги таъминланган. Ўтган йили 500 тадан зиёд ҳунармандчилик лойиҳалари учун 22,3 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Ҳар бир ҳудудда «Уста-шогирд" мактаблари ташкил этилган. Ўтган йили уларда 1 744 нафар шогирд ҳунар ўрганди, 2 минг нафарга яқин хотин-қизлар иш билан банд қилинди.

— Бухороча андозаларда тайёрланган либосларимизнинг қадри доимо баланд, — дейди ҳунарманд Зарнигор Тўхтаева. — Ана шу жиҳатни ва иш фаолиятимизни кенгайтириш учун Алпомиш кўчасида жойлашган бинода миллий кийимлар тайёрлашни йўлга қўйдим. Уларни дунёнинг энг нуфузли кўргазмаларида намойиш этиш ниятидамиз. Ҳунармандлар орасида мен каби хотин-қизларнинг сони ортаётгани минглаб рўзғорларни обод қиляпти, опа-сингилларимизнинг ҳаётдан мамнунлигини таъминлаяпти.

Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 2020-2021 йилларда ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Ҳозирги пайтда гиламчилик, зардўзлик, заргарлик ҳунармандчилиги марказлари, маҳорат дарслари ва бренд савдо дўконларини ҳамда Бухоро миниатюра мактабларини ташкил этиш устида иш кетяпти. Уларда ота-боболарининг касбини эъзозлайдиган, янгидан янги жилолар билан бойитадиган ёш авлод камол топмоқда.

СОЛИҚ

# "ЯШИРИН" ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНА БИР КУШАНДАСИ

Ҳаёт НАСРУЛЛАЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
"Янги технологиялар" маркази директори

**Мамлакатимизда "яширин" иқтисодиётнинг вужудга келиш омиллари таҳлил этилиб, унга қарши курашиш дастури ишлаб чиқилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, бу борада қиймати 200 миллион доллар бўлган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан онлайн касса лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.**

### "КИЧИК ҚОҒОЗ" ОРТИДАГИ МУАММО

Аксарият истеъмолчи маҳсулот сотиб олгач, харид чекини талаб қилмайди: ё унутади, ёки уни шунчаки кераксиз деб ҳисоблайди. Айрим сотувчилар ҳам чекни тақдим этиш ҳақида ўйламайди.

Бир қарашда оддий ва арзимасдай кўринган бу ҳолат аслида бир қатор муаммоларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Хусусан, харид чекларининг талаб қилинмаслиги ёки тақдим этилмаслиги нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланиши — "яширин иқтисодиёт"га замин яратади. Шунга қарамай, сотувчи ва харидорни харид чеки масаласида бирдай масъулиятли қилишга эришиш осон эмас. Бундай вазиятда энг мақбул танлов — инсон омили иштирокини минимал даражагача камайтириш имконини берувчи рақамли технологиялардир. Онлайн-назорат касса машинаси ёки виртуал касса ана шундай муҳим воситалардан бири саналади.

### QR-КОД МАВЖУД БЎЛМАГАН ЧЕКЛАР ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ

Амалдаги назорат касса машинаси орқали тақдим қилинган баъзи бир харид чекларида товар ёки хизматларнинг номи ва миқдори акс эттирилмайди. Қолаверса, чекнинг ҳақиқийлигини текшириш имкони ҳам йўқ. Онлайн-назорат касса машинаси ёки виртуал касса чоп этувчи фискал чек эса бу масалада ҳам сотувчи, ҳам харидор учун қулай. Яъни, унда товарлар (ишлар, хизматлар) номи, миқдори, нархи акс этади. Энг асосийси, чекнинг ҳақиқийлигини текшириш учун QR-код мавжуд. Ушбу маълумотлар акс эттирилмаган чеклар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Онлайн-назорат касса машинаси ёки виртуал касса чекдаги маълумотларни реал вақт режимида операторга, яъни Давлат солиқ қўмитаси базасига бориб тушишини таъминлайди. Тадбиркорлик субъектлари бундай қурилмаларни мустақил сотиб олиши мумкин. Бироқ, онлайн-назорат касса машинаси ёки виртуал кассаларни харид қилишдан аввал ушбу қурилма ёки дастурий маҳсулотни Давлат реестрига киритилган ёки киритилмаганини текшириш лозим. Тадбиркорлик субъектлари улардан фойдаланиш учун Давлат реестрига киритилган ихтиёрий техник хизмат кўрсатиш марказидан рўйхатдан ўтказиш зарур.

Бизнинг марказ аризачининг мурожаати асосида у билан шартнома имзолайди, тақдим этилган ҳужжатлар ва шартнома нусхасини махсус ахборот тизими ёрдамида Давлат солиқ хизмати органларига юборади.

### ЯНГИ ҚУРИЛМАДАН ФОЙДАЛАНИШ МАЖБУРИЙМИ?

Ҳа, тадбиркорлик субъектларининг ушбу тизимга ўтиши мажбурий. Фақат бу босқичма-босқич амалга оширилади. Давлатимиз раҳбарининг "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида бу бўйича график тасдиқланган.

2019 йилнинг 1 мартидан бошлаб Тошкент шаҳрида онлайн-назорат касса машина ва виртуал кассаларни кенг қўллаш бўйича тажриба лойиҳаси ўтказилди. Натижада 385 мингдан ортиқ харид чекларида жами 72 миллиард сўмдан зиёд товар айланмалари амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборотлар Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасида қайд этилди.

2020 йил 1 январдан онлайн-назорат касса машиналари ва виртуал касса тизими республикамизнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этила бошланди. Хусусан, 2020 йил январдан 20 909 та алкоголь, тамаки, дори воситалари ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари;

2020 йил 1 августдан 1 200 та ўтган йил якунлари бўйича йиллик тушуми беш миллиард сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари;

**2021 йил 1 январдан 21 600 та ўтган йил якунлари бўйича йиллик тушуми юз миллион сўмдан ошган ёки йил давомида ушбу чегаравий миқдорга етган, жами 2020 йил якунига қадар 43 700 та тадбиркорлик субъектлари онлайн-назорат касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтказилиши белгиланган.**

Ушбу муддатлар тугагандан кейин онлайн-назорат касса машинаси ёки виртуал кассадан фойдаланмасдан товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатишда чек тақдим этмаслик ёки фискал белгига эга бўлмаган чекларни тақдим қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Таъкидлаш жоиз, мазкур талаблар олис ҳудудларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилмайди. Уларнинг рўйхати ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда тасдиқланади.

### БУНДАН КИМГА ҚАНДАЙ ФОЙДА?

Онлайн НКМ ёки виртуал касса тизимига ўтиш давлат учун муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, бундай рақамли технологиялар орқали хуфёна иқтисодиёт улуши қисқаради. Тадбиркорлик субъектлари ва Давлат солиқ хизматлари органлари ходимлари билан бевосита алоқалар камайиб коррупцияга йўл қўйилмайди. Маълумотлар ишончлилиги кафолатланади. Солиқ базаси кенгаяди.

Тадбиркорлик субъектлари учун ҳам онлайн-назорат касса машинаси ёки виртуал касса фойдали. Улар амалдаги фискал хотирали назорат касса машиналарни ишлатиш мажбуриятидан халос бўляпти. Кассир-операцияچи томонидан назорат касса дафтарини юритиш, унинг кунлик ҳисоботини чиқариб олиш мажбурияти бекор қилиняпти. Тадбиркорлик субъектлари кунлик ўртача нақд пул тушуми миқдоридан қатъи назар, нақд пулларни банк кассаларига инкассация хизмати орқали ўзлари белгилаган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга бўлади. Энг муҳими, онлайн-назорат касса машинасини сотиб олиш, жорий қилиш харажатларини солиқ ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдоригача камайтириш имконияти яратилди. Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Виртуал касса"нинг базавий қисми бепул тақдим этилиши йўлга қўйилмоқда.

Онлайн-назорат касса машинаси ёки виртуал кассалардан фойдаланиш тизимининг энг асосий ютуғи халқимиз ҳаёт тарзини енгиллашиши, турмуш сифати юксалиши билан боғлиқ. Зеро, ушбу тизим маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Соҳада жамоатчилик назорати кучайишига замин яратади. Харидорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси янада кафолатланади. Пировардида "яширин" иқтисодиётнинг яна бир кушандаси бўлган тизимга айланади.

**Ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга оширишда давлат бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида ўтган йилда мамлакатдаги қарийб 67 фоиз маҳаллаларда жиноят содир этилгани, 1 797 тасида жиноятлар сони ошгани қайд этилди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 26 февраль, 23-сон

ИСЛОҲОТ

Норйигит МУСУЛМОНОВ,
СамДУ кимё факультети декани,
доцент

**Таълимни ривожлантиришдан кўзланган стратегик мақсад иқтисодиётни юксалтиришдир. Зеро, билимсиз жамият ҳеч қачон юксак тараққиётга эриша олмайди. Шу маънода, сўнгги йилларда мамлакатимизда соҳага оид қатор фармон ва қарорлар қабул қилинаётгани, ўнлаб янги олий таълим муассасалари очилаётгани замирида улкан марраларга чиқиш нияти турибди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам олий таълим тизимидаги мавжуд муаммоларга эътибор қаратиб, уларни бартараф этиш борасида қатор вазифалар белгилаб бергани бежиз эмас.**

# МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

**ИЛМ-ФАН САНОАТ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ҲАМҚАДАМ ЮРМАСА, УНИНГ САМАРАСИ КУТИЛГАНИДЕК БЎЛМАЙДИ. БУ БОРАДА "ЎЗКИМЁСАНОАТ", "ЎЗБЕКНЕФТГАЗ", "ЎЗТРАНСГАЗ" КОРХОНАЛАРИ БИЛАН МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.**

Ҳозир олий таълим муассасалари моддий-техника базасини янгилаш жадаллашиб, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети "олий таълим тизими флагмани"га айлантирилмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар олий таълим соҳасида ўз самараларини бераётганини СамДУнинг кимё факультети фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозир факультетда аналитик кимё, ноорганик кимё ва материалшунослик, органик ва биоорганик кимё, физикавий ва коллоид кимё кафедралари мавжуд. Факультетда кимё, кимёвий технология, материалшунослик ва янги материаллар кимёси, кимё ўқитиш методикаси йўналишлари бўйича бакалаврлар, кимё, материалшунослик ва янги материаллар кимёси мутахассисликлари бўйича магистрлар ҳамда олтита ихтисослик бўйича докторантлар тайёрланмоқда.

Бу ерда таҳсил олган талабалардан икки нафари Президент стипендиати ва ўндан ортиғи фан олимпиадалари ғолиблари бўлдилар. Факультетда Беруний номидаги давлат мукофоти лауреатлари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби, Россия Табиий фанлар академияси мухбир аъзоси каби унвонларга эга ўз касбининг билимдонлари дарс беради.

Факультет юқори илмий салоҳиятга эга. Фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, фалсафа докторлари, доцентлар турли тармоқларда экология, ичимлик суви ва озиқ-овқат билан боғлиқ муаммоларни ечиш устида илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан "Турли хил кимёвий анализ усулларини яратиш асосида атроф-муҳит ҳолатининг автоматик назоратини амалга ошириш йўли билан экоаналитик мониторинг тизимини ишлаб чиқиш", "Ноорганик моддалар – координацион бирикмалар синтези, тузилиши, реакцияга киришиш қобилияти ва уларнинг экотизим диагностикаси учун ишлатилишини татбиқ қилиш", "Ер усти ичимлик сувлари таркибидаги металлар ва заҳарли моддаларни кимёвий физик-кимёвий анализ усуллари ёрдамида аниқлаш" каби йўналишларда илмий тадқиқотлар ўтказилаётир.

Факультетда олиб борилган аммиакни аниқловчи яримўтказгич сенсорлар яратиш соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари натижалари Вена физикавий кимё университети олимлари томонидан эътироф этилди. Улар бу тадқиқотдан "Кимёвий сенсорлар учун композит материаллар" илмий лойиҳасида фойдаланишди. СамДУ кимёгарларининг тадқиқотлари кимёвий сенсорларни яратиш, аммиакни аниқловчи яримўтказгичли сенсорлар динамик ва калибровка тавсифларини текшириш ҳамда заҳарли газларни аниқлаш учун аналитик ва физик-кимёвий усулларни қўллашни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Органик синтез билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчиларимиз "Изохиналин гомологларининг синтези ва кимёвий ўзгаришларини ўрганиш", "Таркибида иккита азот атоми сақлаган гетероциклик бирикмалар синтези ва уларнинг кимёвий ўзгаришлари" сингари йўналишларда илмий тадқиқотлар ўтказмоқда.

Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлиги имкониятлари ниҳоятда кенгайяпти. Биз ҳам Москва давлат университетининг кимё факультети билан самарали ҳамкорликка киришганмиз. Бунинг дастлабки натижаси сифатида ўтган йили битта кимё фанлари доктори (DSc) илмий даражаси олинди.

Қозон технологиялар университети билан илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш бўйича алоқалар ўрнатилди. Келишув доирасида ҳозирги кунда таянч докторантлар ва магистрантлар илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

Жаҳон тажрибаси олий таълим учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис факультетимизда АҚШ, Хитой, Германия, Россия, Япония, Исроил, Ҳиндистон, Туркия, Покистон ва Қозоғистон олий таълим муассасалари профессорларининг маърузалари ташкил қилинди.

Илм-фан саноат, ишлаб чиқариш билан ҳамқадам юрмаса, унинг самараси кутилганидек бўлмайди. Бу борада "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекнефтгаз", "Ўзтрансгаз" корхоналари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси доирасида кадрлар буюртмачиларининг таклиф ва мулоҳазалари инобатга олинмоқда. Битирувчилар сифатини ишлаб чиқариш талабларига мослаштириш юзасидан буюртмачилар иштирокида семинарлар ташкил этилмоқда.

Жорий йилда бу каби ишларни янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

САРҲИСОБ

Гулсум ШОДИЕВА

**2019 йилда Бухоро, Сирдарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жиноятчилик даражаси юқорилигича қолди. Қотиллик жинояти Тошкент, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида, оғир шикаст етказиш Қашқадарёда, номусга тегиш Андижон, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарёда, босқинчилик Сирдарё, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида сезиларли кўпайди. Профилактика тадбирлари етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатида 51 та туман ва шаҳарда қотиллик жиноятлари сони ортди. Жиноятлар аксарият ҳолларда оила, турмуш ва оддий маиший муносабатлар замирида келиб чиққан.**

# АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Бош прокуратурасида Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида Бош прокурор Н.Йўлдошев шулар ҳақида гапирди.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ҳозирги янги тараққиёт босқичида суд-ҳуқуқ, жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилди. Соҳа фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган 150 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди. Ҳуқуқбузарликлар олдини олишнинг "хавфсиз шаҳар", "хавфсиз хонадон", "хавфсиз туризм" каби инновацион ғояларини ўз ичига олган концепциялар ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул тузилма — Миллий гвардия ташкил этилди ва унинг ваколатлари белгиланди. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура органлари фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик кучайтирилди, жиноятчиликка қарши кураш борасида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари масъулияти оширилди.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида биргина 2019 йилда умумий жиноятлар қарийб 3 мингтага ёки 6 фоиз камайиб, юртимизда криминоген вазият барқарорлиги сақланди. Шундай бўлса-да, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳамон камчилик ва нуқсонлар кузатилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга оширишда давлат бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида ўтган йилда мамлакатдаги қарийб 67 фоиз маҳаллаларда жиноят содир этилгани, 1 797 тасида жиноятлар сони ошгани қайд этилди. Криминоген вазият оғир ва аҳоли сони кўп маҳаллаларга ҳуқуқий соҳада етарли билим ва тажрибага эга ходимларни профилактика инспектори лавозимига тайинлаш зарурлиги кўрсатилди.

Бундан ташқари, йиғилишда жиноятни ҳисобга қўйиш, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятидаги камчиликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар айрим ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларини поймол этиш ҳолатларига чек қўйилмаганлиги қаттиқ танқид қилиниб, рахбарлар олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 февралдаги фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари тузилди. Кенгаш йиғилишида янги ташкил этилган вазирлик ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазифалар ҳам муҳокама этилди.

АКЦИЯ

# ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШГА ЁШЛАР ҲАМ КАМАРБАСТА

Жаводхон БУРХОНОВ

**Дунё учун яқин тарихдаги энг йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири Орол денгизи фожеасидир. Унинг қуриган ҳудудини саҳро эгаллаб бормоқда. Оқибатда сув ресурслари тақчиллиги, биохилма-хилликнинг кескин камайиши, жиддий иқлим ўзгаришлари яққол сезилиб турибди.**

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидаги бошқарма, марказ, корхона ва ўқув муассасаларининг кўнгилли ёшлари Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларида "яшил белбоғ" — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш мақсадида "Оролни қутқарайлик!" акциясини ташкил этди. Акцияда олтита минтақавий темир йўл узелида ишловчи юзга яқин ёш темирйўлчи қатнашди.

— "Биз Оролни қутқарамиз!" шиорининг ўзиёқ темирйўлчи ёшлар қалбида фидойилик, ватанпарварлик туйғуларини жўш урдиради, — дейди қўнғиротлик Аяжон Тогайбоева. — Яқинда Президентимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда: "Ҳамма ишларимиз, ислоҳотларимиз Ўзбекистоннинг эртанги куни учун. Келажагимиз замини эса — сиз, ёшлар. Кўзларингдан кўриб турибман: сизлар билимли, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқчисизлар. Бунинг учун барча шароитларни яратиб берамиз", дея таъкидлагани мени жуда тўлқинлантирди. Бугун биз юксак ишончни оқлаш учун "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан ташкил қилинган ушбу акцияда кўтаринки руҳда иштирок этяпмиз.

Ҳозир Оролбўйида саксовул, юлғун ва қорабарақ каби бутасимон ўсимликлар экиш йўлга қўйилган. Мўйноқ тумани ҳокимлиги маълумотига кўра, ўтган уч йил мобайнида экилган кўчатларнинг мониторингида ижобий ўзгаришлар қайд этилган.

— 2019-2020 йилларда 700 минг гектар ерга саксовул экиш режалаштирилган. 510 минг гектарга самолётлар ёрдамида ҳаводан уруғ сепилади, 190 минг гектарга қўл кучи билан кўчатлар ўтказилади, — дейди ўрмон хўжалиги инспектори Савит Нажиматдинов. — Ҳозирги кунгача 110 минг гектардан ошиқ майдонга қўлда кўчатлар ўтқазиб бўлинди. Бу ишга "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бугун экилаётган ниҳоллар беш йилдан сўнг тўқайзорга айланади.

Сувсиз ерларга кўчат экиш ишлари жонбозлик билан олиб борилмоқда. Ўрмон хўжалиги ходимлари бу юмушни бажаришда амалий маслаҳат бериб туришибди.

— Ҳозир бутун дунёнинг глобал муаммосига айланаётган Оролни асраб қолиш мақсадида ўтказилаётган акцияда иштирок этаётганимиздан мамнунмиз, — дейди "Тошкент минтақавий темир йўл узели" унитар корхонаси ходими Расул Эшонқулов. — Орол денгизи ҳудудига биринчи бор келишим. Мўйноқда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни кўриб, кўнглим ғурурга тўлди. Унинг янги тарихи яратиляпти. Бугун биз экаётган ниҳоллар ҳам Орол ҳалокати оқибатларини бартараф этишга кўмак бўлишига умид қиламан.

Ҳаво совуқлигига қарамай, темирйўлчи ёшлар жадаллик билан ишлашди. Натижада етти гектарга яқин майдонга саксовул ва бошқа ўсимлик ниҳоллари ўтқазилди. Экилган 7000 туп кўчат вақти келиб 7000 та забардаст дарахтга айланади.

**Тошкент — Мўйноқ — Тошкент**

ТАЖРИБА

Усмонали НОРМАТОВ

**Қиш чекиниб, баҳорнинг илиқ эпкинлари эса бошлади. Бодом ва ўрик дарахтлари баҳордан дарак бериб, қийғос гуллай бошлади. Бозорларимизга кирсангиз, расталарда бири-биридан сархил мевалар сўлакни оқизади. Айниқса, олма, нок, узум худди ҳозир узилгандек турибди. Ваҳоланки, бу мевалар боғларда октябрь-ноябрь ойларида пишган.**

# ХОНЖИЗАДА ОЛМАЛАР САРҒАЙМАЙДИ

Бозорларимиздаги мўл-кўлликнинг сабаби аён. Боғбонларимиз турфа ноз-неъматлар етиштириш билан бирга уларни узоқ вақт сақлашни ҳам эплаб даромадларини кўпайтирмоқда. Кўплаб фермер хўжаликлари, тадбиркорлар совутгичли омборхоналар қуришяпти. Уларда картошка, пиёз, сабзи, шолғомдан тортиб, олма, нок, узум, анорга ча сақлаб, халқимизни қишин-ёзин сервитамин маҳсулотлар билан таъминлашмоқда. Бироқ уларнинг бир "кемтик" жиҳати бор. Бозорга чиқарилган мевалар тўрт-беш кунда сотилса сотилди, акс ҳолда сархиллигини йўқотади.

Сариосиё туманидаги Хонжиза маҳалласи аҳолиси олма, анор, узум ва бошқа меваларни узоқ вақт сақлаш билан кўп йиллардан буён шуғулланади. Бунга тоғли ҳудуд табиати ва уйларнинг тош пойдеворли ертўлалари имконият яратади. Ертўла иқлими мўътадил бўлганлиги учун маҳсулотлар сифатини йўқотмай тураверади.

Ҳабибулло Раҳимовнинг хонадонида бўлдик. Хонадон соҳиби тош пойдеворли ертўла эшигини очиши билан олманинг хушбўй ҳиди димоққа урди. Эни 10 метр, узунлиги 16 метр келадиган ертўлага 10 тоннага яқин олма жойлаштирилган.

Ҳабибулло аканинг ўғли Идрис бу иш билан анчадан бери машғул. У ҳамкорлари билан ўтган йил октябрь ойида боғбонлардан олмани улгуржи сотиб олган ва 10-15 килограммдан тахта яшикларга саралаб жойлаб, уйларнинг тош пойдеворига шамол ўтиб туриши учун расамади билан тахлаган. Олма сифати бузилмаслиги, вазни камаймаслиги ва таъми ўз ҳолида туриш учун яшиклар орасидаги йўлакчаларга тоғораю сатилларда сув қўйиб чиқишади. Сув ҳафта-ўн кунда алмаштириб турилади. Олмалар ҳозиргина дарахтдан узилгандек хуштаъм ва сархил сақланади.

Тадбиркорлар анчадан бери олмани пешма-пеш бозорга чиқаришаётган экан. Мева дарахтидан узилган пайтда боғбондан ҳар килограмми 1,5 минг сўмдан харид қилинган бўлса, бугунги кунда 8-9 минг сўмдан камига беришмаяпти. 10 тонна олмадан қанча даромад қолишини ҳисоблаш қийин эмас. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, излаган имкон топади, деб шунга айтишади-да.

— Қишлоқларимиз туман марказидан анча узоқ, — дейди Хонжиза МФЙ раиси Аъзам Ғофуров. — Тоғда яшаймиз. Аҳолининг бир қисми чорвачилик, лалми деҳқончилик, боғдорчилик билан машғул. Куз ойларига келиб эса Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманларининг соҳибкорларидан мева-чеваларни харид қилиб, уларни май ойига қадар ўз ертўлаларида сақлаш ва сотиш билан ҳам шуғулланишади.

Ҳўл мевани узоқ вақт сархил сақлай билиш ҳам ўзига хос уқув ва маҳорат талаб қиладиган ишбилармонликдир. Хонжизаликларга хос ота-боболари усулидаги замонавий "логистика" эса уларга қўшимча мўмай даромад келтиряпти.

“Бир болага етти маҳалла ота-она” ҳикмати бугунги ҳаётимизда ўз ўрнини йўқотиб бораётгандек. Жиноятнинг оқибатини ўрганишдан кўра сабабларига эътибор қаратилса, бу каби ҳуқуқбузарликлар содир этилмасмиди?



МОЛИЯ

# ГАРОВДАГИ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

**Ҳозирги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар, шунингдек, бошқа хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан фойдаланилаётган гаров реестри хизматлари мамлакатимиз банк-молия тизимида катта аҳамиятга эга. Ислоҳотлар жараёнида йўлга қўйилганига беш йилдан ошган гаров реестрини юритишдаги ўзгаришлар, таъминот бозори ривожланиши ҳамда унинг шаффофлиги кўпчиликни қизиқтириши табиий. Марказий банк ҳузуридаги “Гаров реестри” ДУК директори Аҳмадхон Маматов билан суҳбатимиз бу хизмат турининг бугунги фаолияти, истиқболи хусусида бўлди.**

— Мамлакатимизда банк-молия тизимини эркинлаштириш, соҳада инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш борасидаги ислоҳотлар, табиийки, гаров таъминоти муносабатларини ҳам четлаб ўтмайди, — дейди Аҳмадхон Маматов. — Гаров реестри гаров муносабатларида кўчар мулкларни, жумладан, асбоб-ускуналар, инвентар ва хомашёлар, дебитор қарзлар, интеллектуал мулк, қишлоқ хўжалигининг кутилаётган ҳосили ва ҳоказоларни қўллаш орқали молиялаштириш имкониятини кенгайтириш ва кредитлаш жараёнини тезлаштиришга шароит яратади. Бироқ гаров ҳисобидан кредиторлар талабларини қондириш тартиби норматив ҳужжатларда турлича белгилангани ва жараёнларнинг мураккаблиги гаров реестрини юритишда кутилган натижани бермаётган эди. Шуларни инобатга олган ҳолда сўнги йилларда бу борадаги қонунчилик такомиллаштирилди.

Ўзгаришлар бири кредиторларнинг гаровга нисбатан устуворлик ҳуқуқларига оиддир. Соддароқ тушунтирганда, битта мулкни гаровга қўйиш орқали олинган бир неча кредит бор, дейлик. Қарздор бу кредитларни қайтара олмаган тақдирда гаровдаги мулкка нисбатан қайси кредиторнинг ҳуқуқи устувор бўлади, деган савол туғилади. Бу масалани қонуний тартибга солиш мақсадида Фуқаролик кодексига тегишли ўзгартиш киритилди. Унга кўра, кредиторлар олдидаги мажбуриятини қарздор ўз вақтида бажармаса, кредиторлар талаби уларнинг гаров реестрига кредит таъминоти учун қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни киритиши бўйича хронологик тартиб (вақти ва санаси)га мувофиқ қаноатлантирилади. Яъни мулк гаров сифатида биринчи бўлиб қайси кредит бўйича қўйилган бўлса, ўша кредитор гаров мулки ҳисобидан биринчи бўлиб ўз талабини қондиради ва шу кетма-кетликда давом этади.

Бу эса кредиторга, шу билан бирга, қарздорга, яъни гаров мулки эгасига ҳам устуворликлар яратади. Яъни мол-мулк олдинги гаровга олувчилар томонидан реестрга киритилган ҳамда олдинги шартномаларда гаров тақиқланмаган бўлса, уни навбатдаги гаровга бериши мумкин. Бунда кредитор қарздорнинг ушбу мол-мулки аввалги гаровга олувчилар билан бирга ўзи олдидаги (мазкур мол-мулк билан таъминланадиган) мажбуриятларини қоплаш имкониятини ўрганиб чиққан ҳолда мустақил қарор қабул қилади.

**— Қарздорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлари, шунингдек, мол-мулкига бўлган талаблар тўғрисида давлат органлари томонидан ҳам гаров реестрига ёзувлар киритилиши мумкинми?**

— Албатта, Солиқ ва Божхона кодексларининг тегишли моддаларига кўра, солиқ ва божхона тўловлари бўйича қарздорликлар белгиланган муддатда қопланмаган тақдирда, солиқ ёки божхона тўловлари бўйича қарз суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритилиши, шунингдек, ёзув қарздорлик тўлиқ қопланганидан ёки ҳисобдан чиқарилганидан кейин гаров реестридан ўчирилиши белгиланди. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексида мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи бир кун ичида, мол-мулкни хатлаш ҳақида суд ажрими чиқарилганда ваколатли органлар томонидан уч сутка ичида гаров реестрига ёзув киритилиши тўғрисида қўшимча киритилди. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунга ҳам ўзгартиш киритилиб, унда мол-мулк хатловини амалга оширган давлат ижрочиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаров реестрига тегишли ёзувни киритиши, хатлов бекор қилинган тақдирда ўчириши ҳам белгилаб қўйилди.

**СОЛИҚ ВА БОЖХОНА КОДЕКСЛАРИНИНГ ТЕГИШЛИ МОДДАЛАРИГА КЎРА, СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИКЛАР БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА ҚОПЛАНМАГАН ТАҚДИРДА, СОЛИҚ ЁКИ БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗ СУММАСИНИ КЎРСАТГАН ҲОЛДА ГАРОВ РЕЕСТРИГА ЁЗУВ КИРИТИЛИШИ, ШУНИНГДЕК, ЁЗУВ ҚАРЗДОРЛИК ТЎЛИҚ ҚОПЛАНГАНИДАН ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛГАНИДАН КЕЙИН ГАРОВ РЕЕСТРИДАН ЎЧИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ.**

Бундан ташқари, киритилган ўзгартишларда қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, гаров предмети қиймати йўқолмаслиги, унинг бегоналаштирилиши (ўғирланиши, талон-тарож қилиниши) олдини олиш ва тезроқ сотиш мақсадида ундирувини таъминот нарсасига суд буйруғи асосида қаратишнинг жорий этилиши белгиланган. Шу билан бирга, гаров предметини тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш, ижарага, лизингга бериш ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа усуллар орқали реализация қилиш мумкин.

**— Гаров реестри бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилинганми?**

— Албатта. Гаров реестрида фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, гаров реестри базаси Адлия вазирлигининг “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилиниб, кредит ташкилотлари учун гаров реестри орқали мулкка тақиқ қўйиш ва ечиш, шунингдек, мулк тақиқланмагани ёки хатланмаганини текшириш имкониятлари яратилди. Бугунги кунда гаров реестрини Ички ишлар вазирлигининг “Техпаспорт+ҳайдовчилик гувоҳномаси” тизимига ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ягона интеграллашган базасига интеграция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, янги меъёрлар таъминот бозорининг гаров реестри орқали шаффофланиши ва бозорнинг барча иштирокчилари ўз хавф-хатарларини тўғри ва оқилона баҳолашига хизмат қилади.

**Аброр УМАРҚУЛОВ**
**суҳбатлашди**

ТАМОЙИЛ

# КУЧЛИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Бекзод НАРИМАНОВ,**
Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси

**Давлат ва жамият ҳаётидаги энг долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда жамоатчилик назорати алоҳида ўрин тутади. Кучли жамоатчилик назорати механизмини доимий такомиллаштириб бориш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим шартидир.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 7 декабрда Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда”, дея жамоатчилик назоратига юқори баҳо берди.

Сўнгги йилларда жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Бош Қомусимизнинг 2-моддасида давлатнинг жамият олдидаги масъуллиги принципи белгиланиб, бир қатор қонунлар орқали жамоатчилик назорати институтига ҳам конституциявий-ҳуқуқий мақом берилди. Мазкур конституциявий нормалар асосида эса “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда жамоатчилик назоратининг субъектлари, уни амалга ошириш шакллари ва ҳуқуқий механизмлари аниқ белгилаб берилди. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялар жамоатчилик назорати субъектлари этиб белгиланди. Бундай яхлит қонуннинг қабул қилиниши кўплаб мамлакатлар тажрибасида учрамайди.

Хориж тажрибасида жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштироки билан боғлиқ. Инглиз тилидаги адабиётларда мазкур категория “public advocacy”, “public watch” сифатида юритилади. АҚШда ҳокимият устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши билан бирга тараққий этди. XIX аср охири — XX аср бошларида ривожланган жамоатчилик назорати модели консенсус демократия лойиҳасининг ривожланиш омили бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда ушбу мамлакатдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат ва фуқаролар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаб, оммавий сиёсатни шакллантириш, давлат сиёсатига муносабат билдириш каби фаолиятларни мувофиқлаштиради. Демак, жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича кўплаб ислоҳотлар олиб бориляпти. Натижада 1992 йили республикамизда қарийб 100 га яқин нодавлат нотижорат ташкилот фаолият кўрсатган бўлса, 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 10 194 тага етган. Нодавлат нотижорат ташкилотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш каби муҳим вазифаларни бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили май ойидаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, Президент ҳузурида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг ташкил этилиши бу борада қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур кенгашга бевосита фуқаролик жамияти ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида давлат раҳбарини мунтазам равишда хабардор этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қулай шароитлар яратиш юзасидан Президентга таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

**Жамоатчилик муҳокамаси жамоатчилик назоратининг муҳим шаклларидан биридир. Давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларда халқ фикрини атрофлича ўрганиш ва фуқаролар ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган “Менинг фикрим” порталига келиб тушган таклифлардан атиги 11 таси кенг муҳокамадан ўтказилиб, улар бўйича қарорлар қабул қилинган. Шу сабабли “Менинг фикрим” веб-порталига тушаётган мурожаатларни телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида депутатлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш вазифаси юклатилди.**

Сўнгги пайтларда Сенат мажлисларини тўғридан-тўғри эфир орқали намойиш қилиш амалиётининг жорий этилишига халқ олдида ҳисобот беришнинг самарали воситаси сифатида қараш мумкин. Шу билан бирга, Сенатнинг янги таркиби профессионал даражада шакллантирилиб, сенаторларнинг 12 нафари жамоат ташкилотлари вакиллари экани ҳам нодавлат секторнинг бугунги кундаги мавқеини кўрсатмоқда.

Президентимиз бу йилги Мурожаатномада ҳам жамоатчилик назорати механизмидан самарали фойдаланиш бўйича бир қанча таклифларни илгари сурди. Жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлашиш, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Ана шу чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, барча ривожланган давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам бугун жамоатчилик назорати давлат органлари ходимларининг қонунга риоя этиб, вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

# ЖИНОЯТГА БОШЛОВЧИ ЙЎЛ – ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Гулсум ШОДИЕВА

**Президентимиз 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари сўнгги 2 йилда адашиб, хато йўлга кирган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 620 нафар ёшга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганини билдирди. 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида содир этилган жами жиноятларда ёшлар улуши 28,9 фоизни ташкил этган. 2019 йилнинг худди шу даврида, гарчи умумий жиноятчилик даражаси камайганига қарамай, бу кўрсаткич 34,6 фоиз ўсган.**

## ЎҒРИЛИК ТУБИ – ЖАРЛИК

Аббос Ҳусанов (исми ва фамилиялари ўзгартирилган) мактабдан келди-ю, апил-тапил уст-бошини алмаштирди. Аммо ҳар кунгидек молларига ем-хашак бериш ўрнига ҳамқишлоғининг уйига шошди. У ерда одамлар бильярд ўйнаш билан банд эди. Улар Аббосга эътибор ҳам беришмади.

Болакай кейинги пайтларда бу ерга тез-тез келиб турарди. У бир муддат катталар ўйинини қизиқиб томоша қилди. Ўзи ҳам ўйнагиси келиб чўнтагига қўл солди. Афсуски, ёнида пули бўлмаганидан хомуш тортиб ортига қайтди. Қишлоқ оралаб бораркан, пул топиш керак, деган ўй миясига чақиндек урди. Нима қилсам экан, дея ён-атрофга аланглаб қаради. Йўлда кетар экан, ҳамқишлоқларидан бирининг дарвозасига қулф осилганига кўзи тушди. Демак, ҳовлида ҳеч ким йўқ, деган хаёлга борди. Сўнгра ўзича режалар тузди ва атрофни яхшилаб кузатди. Кўчада ҳеч ким йўқ эди. Бир сакраб деворга чиқди ва ундан ошиб ҳовлига тушди.

Уй остонасида туриб у ёқ-бу ёққа қаради. Эшик ва деразаларни бирма-бир тортиб кўрди. Қулфланган. Бироқ энг четдаги деразалардан бири очиқ қолибди. Аббос ич-ичидан севиниб, ичкарига кирди. Хоналардаги шкаф ва жавонларни титиб кўрди. Ёғочдан ишланган шкафча ичидаги 700 АҚШ доллари ва 500 000 сўм пулни кўрганда бир зум қўл-оёғи қалтираб, нима қиларини билмай турди. Боягина пулсизликдан қийналгани эсига тушиб, бирдан ҳушёр тортди. Аммо нафс балоси унинг бўғзидан тутиб бўлган эди. Титроқ босган қўллари билан пулларни чангаллаб, чўнтагига солди. Сўнг хонадон эгалари келиб қолмасидан кета қолай, дея дарвоза томон юрди. Кўнгли хотиржам тортиб, деразадан ҳовлига, ундан кўчага чиқди.

“Ўғирлик солсанг қўйнингга, сиртмоқ тушар бўйнингга”, деб бежизга айтилмаган. У орадан уч кун ўтмай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди.

## ЭГРИ ЙЎЛ БОШ ЭГАДИ

Аббос ҳали ёш, ақлини таниб улгурмаган. Шу боис билиб-билмай ўғриликка қўл урди. Унинг мунгли кўзларига қараб ачиндик.

— Отасиз ўсдим. Рўзғордаги етишмовчилик менга ёмон таъсир қилди, — дейди у суд мажлисида кўзларидан ёш оқиб. — Дўстларим қатори тўкис яшашни хоҳладим. Бироқ ўйламай қилган ишим оқибатида онамнинг юзини ерга қаратдим. Аслида ҳунар ўрганиб, рўзғор юмушларида онамга ёрдам беришим керак эди. Мен бўлсам ўғриликка қўл урдим. Бу ишимдан қаттиқ пушаймонман.

## ЁЛҒИЗ ОНА ГАРДАНИДАГИ ЮК

Рўзғор бўйинга осилган тўрва. Бу тўрванинг эса туби кўринмайди. Қора қозонни қайнатиш, кам-кўстни бутлаш ёлғиз аёл гарданида. Нургул опа уч болани едириб-кийдириб катта қилиш учун тинмай елиб-югуради. Шунинг учун болалар тарбиясига эътибор қаратишга вақт топмади. Бу эътиборсизлик иккинчи ўғли Аббосни ўғриликка қўл уришга етаклади...

— Ночор ҳаёт кечирамиз. Турмуш ўртоғим оламдан ўтганида Аббос эндигина 3 ёшга кирган эди, — дейди Нургул Ҳайдарова. — Ўғлим отасини эслай олмайди. Ёлғиз бошим билан уч ўғил фарзандни ўстиряпман. Топганим билан рўзғор тебратамиз. Тўнғичим ҳали ёш. У ҳадемай ёнимга кириб қолар. Ўғилларим катта бўлса, қўлимдан ишимни олади, деб ўйлагандим. Афсуски, Аббос мактабда яхши ўқиб, ҳалол меҳнатни ўрганиш ўрнига ўғирлик қилиб қўйди. Аслида барча айб менда. Фарзандимни қаровсиз қолдирдим. Уларнинг бўйига қарабман-у, тарбиясига эътибор бермабман. Балки она сифатида ўғлимнинг кўнглига йўл топа олмагандирман. Ҳозир суд олдида нима дейишни билмай, виждоним қийналяпти. Лекин ҳар не бўлганда ҳам у менинг фарзандим. Ундан юз ўгирмайман. Энди ўғлимнинг ҳар бир ҳаракатини назорат қиламан. Бошқа бундай жиноятга қўл урмайди. Бир сафар кечиринглар...

Она ўз ваъдасида турадими, фарзанд бу ишончни оқлайдими, буни вақт кўрсатади. Бироқ она-боланинг сўзларидан англанадики, атрофдагилар бу оила билан унчалик қизиқмаган. Моддий ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳатто кўз-қулоқ ҳам бўлишмаган. Таассуфки, у билан на мактаб маъмурияти, на маҳалла фаоллари ва на қўни-қўшниларнинг иши бўлган. Аслида мактаб ва маҳалла фаоллари ўқувчи-ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориши зарур эди. Ўспиринниг нопок йўлга киришига айни омиллар сабаб эмасмикан?

Шу ўринда айтиш лозимки, “Бир болага етти маҳалла ота-она” ҳикмати бугунги ҳаётимизда ўз ўрнини йўқотиб бораётгандек. Жиноятнинг оқибатини ўрганишдан кўра сабабларига эътибор қаратилса, бу каби ҳуқуқбузарликлар содир этилмасмиди?

## СУД БОЛА КЕЛАЖАГИГА ЖАВОБГАР

Қонун талабига кўра, вояга етмаган бола содир этган жинояти учун жазоланиши керак. Қаршимиздаги ўсмир мўлтираб йиғлайди. Балки қилган айбидан тегишли сабоқни чиқараётгандир. Ҳар қалай, у ҳали ниҳол, қилмишидан тўғри хулоса чиқаришига фурсат ҳам, имкон ҳам бор. Лекин ҳозир суд чиқарадиган қарор туфайли унинг келажаги завол топиши ёки тўғри йўлга тушиши мумкин. Нима бўлганда ҳам суд унинг келажаги, тақдирига жавобгар.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг очиқ сайёр суд мажлисида Аббос Ҳусановнинг жиноят иши кўриб чиқилди. Суд уни айбдор, деб топди ва энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

## ОҚИБАТИНИ ЎРГАНИШ ЭМАС, ОЛДИНИ ОЛИШ ЗАРУР

— Ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти тўқликка шўхлик оқибатида рўй бермоқда, — дейди жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани суди судьяси Лутфулла Мамаражабов. — Аббос Ҳусановнинг жиноятга қўл уриши сабабларини ўрганганимизда унинг отадан эрта айрилгани, оиласи ночор кун кечириши, оқибатда назоратсиз қолгани ойдинлашди. Суд жараёнида айбдорга жазо тайинлаш билан бир қаторда, унинг жиноятга қўл уришига бепарво қараб турган маҳалла фуқаролар йиғини фаолларига мазкур оиланинг даромадини ўрганиш топширилди. Ёшлар иттифоқи, бандликка кўмаклашиш марказига унинг ёши, соғлиғи, маълумоти, оилавий аҳволи, меҳнат қобилияти, эҳтиёжи ва яшаш жойини ҳисобга олиб, муносиб иш ўрни топишида амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тавсиялар берилди.

Инсоннинг жиноятга қўл уришига носоғлом муҳит, бепарволик, муҳтожлик каби омиллар ҳам сабаб бўлади. Ҳар қалай, ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Шундай экан, фарзандларимизни эътибор ва назоратсиз қолдирмайлик.

**Аслида бугунги кунда ҳам долзарб бўлган турли бузғунчи диний оқимларнинг йўли хато эканини Мотуридий бобомиз бундан бир неча аср олдин ёзиб кетган.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 26 февраль, 23-сон

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
"Дунё" АА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ислом оламида катта обрў ва эътиборга эга бўлган аждодларимиз — Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқа кўплаб алломалар ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш, улар қолдирган асарларни тадқиқ этиш мақсадида қатор илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди.**

# ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШГАН ОЛИМ

Манбаларда келтирилишича, IX асрнинг охири X асрнинг биринчи ярмида, ислом оламида тўғри йўлдан адашган турли гуруҳ ва фирқалар ўртасида имон-эътиқод масалалари бўйича баҳсу мунозаралар вужудга келди.

Мана шундай мураккаб шароитда улуғ мутакаллим Абу Мансур Мотуридий етишиб чиқди ва уларнинг нотўғри фикрларига асосли раддиялар берди. Ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа таълимотига суянган ҳолда у ўзига хос калом мактабини яратди. Фиқҳшунос олимнинг мотуридия таълимоти кейинчалик Самарқанд калом мактаби доирасидан чиқиб, бутун ислом оламига тарқалди. Мусулмон дунёсида суннийликдаги икки йирик мактабнинг бири (иккинчиси — ашъария) сифатида танилди.

Мазкур соҳанинг чуқур ўрганилиши Марказий Осиё мамлакатларида демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида, хусусан, аҳолига ислом динининг асл моҳиятини тўғри етказишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, минтақада бугунги кунда учраб турадиган турли адашган тўдаларнинг ғояларини фош қилиб, одамларни, айниқса, ёшларни экстремистик оқимлар хавфидан огоҳ бўлишга чақиради.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган концептуал ғояларни ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликка оид "Йўл харитаси" ижросини таъминлаш мақсадида "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусидаги халқаро конференциянинг концепцияси ишлаб чиқилди. Унда анжуман шу йилнинг 3–5 март кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилиши белгиланди.

Конференция Дин ишлари бўйича қўмита, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Форумни ўтказишдан асосий мақсад Имом Мотуридий меросини янада чуқур ўрганиш, мотуридия таълимотининг бузғунчи оқимларга қарши моҳиятини очиб бериш ҳамда Ўзбекистоннинг буюк алломалар юрти сифатида ислом цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси ва мавқеини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишдан иборат.

Ислом дини ривожига ва унинг софлигини сақлашга муносиб ҳисса қўшган аллома, фиқҳ оламининг етук намояндаси, калом илмининг мотуридия оқими асосчиси Абу Мансур Мотуридий ҳақида манбаларда етарлича маълумот берилган бўлса-да, бугунги ёшлар у инсон ҳақида батафсил билимга эга эмас. Аслида бугунги кунда ҳам долзарб бўлган турли бузғунчи диний оқимларнинг йўли хато эканини Мотуридий бобомиз бундан бир неча аср олдин ёзиб кетган.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳанафий Мотуридий Самарқанд шаҳри яқинидаги Мотурид қишлоғида милодий 870 йили таваллуд топган. Аллома дастлабки сабоқни қишлоқда олиб, кейинчалик таълимни Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом эттиради. Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси, айниқса, ёшлик йиллари ҳақидаги маълумотлар, асосан, ўрта аср муаллифлари Хатиб Бағдодий, Абдулкарим Саъд Самъоний, Абулфидо Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо, Муҳиддин Қурайший, Кафавий, Абу Муин Насафий, Ҳожи Халифа каби алломаларнинг асарларида келтирилган.

Таниқли муаррих Кафавий ва бошқа муаллифларнинг ёзишича, Абу Мансур Мотуридий ўз замонасидаёқ "Имом ул-ҳудо" ("Рушди ҳидоятга бошловчи имом"), "Кудват аҳлис сунна вал-иқтидо" ("Суннат ва ҳидоят аҳлига ибрат зот"), "Рофиъ аълам аҳлис сунна вал жамоа" ("Аҳли сунна вал жамоанинг байроғини баланд кўтарувчиси"), "Колиъ азолий ул-фитна вал бидъат" ("Хурофот ва бидъатга ботган уйдирмаларни илдизи билан қўпорувчи"), "Имом ул-мутакаллимийн" ("Барча мутакаллимларнинг имоми"), "Мусаҳҳиҳу ақоидил муслимийн" ("Барча мусулмонлар ақидаларининг тузатувчиси"), "Шайх" ва "Имом" каби юксак номларга сазовор бўлган аллома сифатида тан олинган. Мовароуннаҳрда эса аллома "Имом ул-ҳудо" ва "Имом ул-мутакаллимийн" каби сифатлар билан улуғланган.

Мотуридийга Абу Бакр Жузжоний ва Абу Наср Иёдийнинг таъсири катта бўлган. У устозларидан анъанавий ислом мезонларидан хабардор бўлиш билан чекланмасдан, уни мукаммал ўзлаштириб, изчил таҳлил қилишни ҳам ўрганган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг буюк алломаларнинг бой илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти "Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги ғоят хатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида "Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи" деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради", деб таъкидлаган эди.

Имом Мотуридий номини қайта тиклаш ва у қолдирган маданий меросни ўрганиш, ёшлар онгига сингдириш мақсадида 2000 йили Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишлаб Самарқанд шаҳрида 3,5 гектарлик мажмуа ва буюк бобомиз мақбараси бунёд этилди.

**Мотуридий мақбарасини тиклаш жараёнида ушбу гўшадан кўплаб фақиҳ ва уламоларга тегишли қабртошлар топилган. Улар тарихимизни асл ҳолича ўрганишимизда муҳим маълумотлар ҳисобланади.**

Абу Мансур Мотуридий фиқҳ ва тафсир соҳаларига оид кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Унинг қаламига мансуб асарлар сони ўн бешга яқин. Абу Муин Насафий Мотуридийнинг фиқҳга оид асарлари хусусида тўхталиб, "Маъхаз аш-шариа" ҳамда "Китоб ул-жадал фий усулил фиқҳ" китобларини алоҳида эътироф этган.

Тафсирга оид "Таъвилот аҳлис сунна" асарида ақидага оид оятлар шарҳига кенг ўрин берилган. Муаллиф тафсирда ўз замонасидаги мўътазила, хавориж, карромия, жабария каби оқимларни зикр этиб, уларнинг Қуръон оятларига берган талқинларини, шунингдек, мушаббиҳа, муназзима, фолбин ва шу каби кишилар фикрини чуқур таҳлил қилиб, уларга асосли раддиялар берган. Аллома ишончли далилларга таяниб, ўзининг дунёқараши ва соғлом тафаккури билан турли фирқаларга қарши кескин кураш олиб бориб, соф ислом ақидасини сақлаб қолишга беқиёс ҳисса қўшган. Шу билан бирга, калом илмининг турли масалалари ва тўғри йўлдан адашган ҳар хил оқимларга раддиялар билдиришга бағишланган асарлар Мотуридий илмий меросининг асосини ташкил қилади.

Бобомизнинг каломга оид асарлари ичида, айниқса, "Китоб ут-таҳвид" муҳим аҳамиятга эга. Асарда алломанинг ақидапарастларга қарши қарашлари батафсил баён этилган. 1970 йили мисрлик олим Фатҳуллох Ҳулайф узоқ йиллар давом этган изланишлари натижасида Байрутнинг "Дор ул-машриқ" нашриётида "Китоб ут-тавҳид"ни қайта нашр эттирди. Шундан сўнг бу китоб мусулмон мамлакатларида яна бир неча маротаба чоп этилди.

Аллома ҳар бир инсоннинг тақдири Яратган томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, киши ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулдир, деб ҳисоблайди. Унга кўра, инсон ҳаётий имтиҳонлар учун яратилган. Шу билан бир вақтда унга ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиши ва тўғри йўлни топиши учун кенг имкониятлар берилган.

Буюк ватандошимиз таълимоти ислом динининг ақидавий мактабларидан бири сифатида тан олинган. Эътиборлиси, ислом оламининг аксарият минтақаларида мотуридия таълимоти ҳозир ҳам ўрта ва олий диний ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитилади.

2000 йили юртимизда Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонлангани ушбу соҳа бўйича мамлакатимизда тадқиқотчилик фаолиятининг ривожига ҳам туртки бўлди. Ўтган 20 йил ичида калом илми тарихи, хусусан, мотуридия таълимотига бағишлаб кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Хулоса шуки, юртимизда қарор топган ижтимоий адолат ватандошларимизга ислом тарихи ва маданияти, диний-маънавий меросимиз, буюк алломаларимиз, хусусан, Абу Мансур Мотуридий таълимотини ўрганиш ва у билан фахрланиш туйғусини қайтарди.

ТАЪЛИМ

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЯНГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

## *ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МАҲАЛЛИЙ ТИББИЁТ СОҲАСИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ*

Есимхан ҚАНААТОВ

**Яқинда Президентимиз Қорақалпоғистон учун муҳим бўлган яна бир қарорни имзолади. Бу қарор билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали негизида Қорақалпоғистон тиббиёт институти ташкил қилинди.**
**Бугун Оролбўйи минтақаси учун тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудуд аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва кўламини ошириш, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, соҳадаги илғор ютуқ ва инновацияларни даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш долзарб вазифалар сирасига киради.**

— Ҳозирги кунда филиалда 7 та бакалавриат, 3 та магистратура ва 30 та ординатура мутахассисликлари бўйича 1 825 нафар талаба таълим олмоқда. Филиалнинг профессор-ўқитувчилар таркиби 158 нафарни ташкил қилади. Лекин филиал бугунги кунда Оролбўйи минтақасининг тор доирадаги шифокорларга бўлган талабини қаноатлантириш имкониятига эга эмас, — дейди ТошПТИ Нукус филиали директори Орал Атаниязова. — Президентимиз ташаббуси билан филиал ҳузурида 2017 йилда қурилиши бошланган замонавий клиника яқинда қуриб битказилди. Мазкур шифо маскани халқаро инновацион технологик клиника бўлиб, Россиянинг Санкт-Петербург педиатрия тиббиёт университети билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибида 80 та ўринга мўлжалланган поликлиника ҳамда 120 та ўринга мўлжалланган стационар иш бошлайди. Клиникани тиббиёт ускуналари билан таъминлаш учун Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICAнинг 7,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грант лойиҳасини жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг "Қорақалпоғистон тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, институт фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди.

Улар қаторида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи "Университет 3.0" концепциясини босқичма-босқич жорий этиш вазифаси ҳам ўрин олган.

Таълим тизимида мавжуд "Университет 1.0" модели фақат таълим бериш билан чекланади. "Университет 2.0" таълим бериш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришни ўз ичига олади. Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонига асосан, мамлакатда босқичма-босқич жорий этилиши режалаштирилган "Университет 3.0" модели эса таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотларни тижоратлаштирувчи модель ҳисобланади.

Президент қарорига мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилида институтга қатор янги йўналишлар бўйича талабаларни қабул қилиш режалаштирилмоқда. Жумладан, бакалавриатга халқ табобати, клиник психология, биотиббиёт муҳандислиги, магистратурага онкология, эндокринология, терапия йўналишлари киритилган бўлса, ординатурада аллергология ва клиник иммунология, нейрохирургия, нефрология бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади. Шунингдек, институт ва унинг ҳузурида ташкил қилинган клиниканинг ҳуқуқий мақоми, молиялаштириш манбалари, фаолияти ва бошқа йўналишлари аниқ белгилаб қўйилди ҳамда моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш назарда тутилмоқда.

— Институт нуфузини ошириб, жаҳон университетлари рейтингида ТОП-1000ликка киритишни мақсад қилганмиз, — дейди О.Атаниязова. — Албатта, бунинг учун таълим сифатини ва кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш талаб қилинади. Шу мақсадда профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишини таъминлаш, хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида академик мобиллик дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Айни пайтда филиалда Россия ва Жанубий Корея олийгоҳлари билан қўшма факультет ташкил қилинган. Келгусида Австриянинг Вена университети билан ҳам қўшма таълим дастурини жорий қилиш режалаштирилмоқда.

Яна бир янгилик. Нукус давлат педагогика институти янги жойга кўчирилгани сабабли унинг эски биноси ТошПТИнинг Нукус филиали тасарруфига ўтказилган эди. Қорақалпоғистондаги ушбу илк олийгоҳ биноси тўлиқ таъмирланиб, келгусида илм-маърифат музейига айлантирилиши кутилмоқда.

2020 йил январь ойида эълон қилинган "Webometrics" халқаро рейтингида Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали, яъни янги Қорақалпоғистон тиббиёт институти Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари орасида иккинчи ўринга кўтарилиб (1-ўрин Ўзбекистон Миллий университети), мамлакатимиздаги энг намунали олий таълим муассасалари қаторида ўз ўрнини мустаҳкамлаган эди.

ФЕСТИВАЛЬ

# ЮРТИМИЗДА ХОРИЖИЙ КИНОЛАР ТАСВИРГА ОЛИНАДИ

М. ТОЖИМАМАТОВА

**Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро кинофестивалда Ўзбекистон ўзининг миллий стенди билан қатнашмоқда. Berlinale номи билан машҳур ушбу анжуман дунёнинг энг нуфузли 5 кинотадбиридан биридир.**

"Фестивалга юздан зиёд мамлакатдан иштирокчи ва меҳмонлар таширф буюрган, — дейди Ўзбекистон миллий кинокомиссияси директори Мухлиса Азизова. — Юртимиз киноижодкорлари тадбирда иккинчи марта иштирок этмоқда. Биз хорижий кинокомпаниялар вакиллари билан имкон қадар кўпроқ музокаралар ўтказиб, уларни ватанимизга жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Ўтган йили Ўзбекистонда хорижий кинокомпания томонидан олинган икки фильм ҳам айнан шундай келишувлар натижасидир".

Тадбир доирасида 40 дан ортиқ хорижий кинокомпания ва халқаро медиаташкилот билан музокаралар ўтказилиши режалаштирилган. Бу учрашувларда мамлакатимизнинг бой маданий мероси, rebate тизими, кинолокациялари ҳамда хорижий медиалойиҳаларни юртимизда амалга ошириш салоҳияти хусусида ҳам сўз юритилмоқда.

— Ўзбекистон кинолокацияларига жуда қизиқиб қолдим, — дейди латвиялик кинопродюсер Рамунас Скикас. — Келгусида фантастик жанговар фильмимни Сурхондарё вилоятида суратга олишни режалаштиряпман.

Ҳиндистон вакиллари билан учрашувда улар мамлакатимиз киноижодкорларини Гоа кинофестивалида иштирок этишга таклиф қилишди.

Таъкидлаш жоизки, миллий павильон "European Film Market" дирекцияси ва Ўзбекистон миллий кинокомиссияси ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси кўмагида ташкил қилинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 760.
36 333 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 22:35 Топширилди — 01:00 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Навбатчи: Гулсум Шодиева
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15